

## АСОСИЙ МАҚОЛА

### Асосий мақола

*Е.Клебелсберг* “Алтин-Дала” табиатни муҳофаза қилиш ташаббуси: хавф остида бўлган чўл ва сайгоқни сақлаш бўйича узок муддатли дастур

1

### Янгиликлар

3

### Наширёт шарҳи

*А.Бекирова* Сайга ҳақида сага, ЦентрАзия, 2008 й. 27 июнь

6

### Илмий мақолалар

*Б.З. Дуйсеев, С.Л.Склярченко.* Қозоғистонда сайгоқни асраш

7

*В.Федосов.* Сайгоқ питомниги – экологик таълим маркази

9

*М.Косбергенов.* Ўзбекистонда Орол денгизининг шарқий соҳилида сайгоқнинг маҳаллий популяциясини сақлаб қолиш муаммосига

10

*Х.Б.Манджиев, Л.Г.Моисейкина.* Европа сайгоғи популяциясида альбинизм тўғрисида

10

### Лойиҳалар шарҳи

Муғулистонда сайгоқни сақлаш бўйича WWF лойиҳаси

11

“Степной” заказнигининг фаолиятида янги йўналиш

12

Лондон Имперал Колледж лойиҳалари бўйича янгиликлар

12

Мен тўғримида эртақ айтиб бер

13

Анъанавий кашта тикиш Устюрт аёлларининг қўшимча даромадининг манбаи сифатида

13

Ўзбекистонда сайгоқ учун ҚТХларни баҳолаш бўйича янги лойиҳа бошланди

14

### Янги нашриётлар

14

### Эълонлар

2008 йилга SCA кичик грантларининг дастури

15

### SCA сайгоқни сақлаш бўйича ҲМнинг бажарилиши тўғрисида

сайгоқни сақлаш бўйича ҲМ/CMS бажарилиши бўйича ҳисобот, январь-июль 2007 г.

16

«Алтин-Дала» табиатни муҳофаза қилиш ташаббуси: хавф остида бўлган чўл ва сайгоқни сақлаш бўйича узок муддатли дастур

Алтин-Дала табиатни муҳофаза қилиш ташаббуси (ADCI) шимолий чўл ва яримчўл экотизимлари ва уларнинг сайгоқ (*Saiga tatarica tatarica*) ёки тарғоқ (*Vanellus gregarius*) каби кескин ҳолатда бўлган асосий истикомат қилувчиларини сақлаш бўйича йирик масштабли дастурдир. ADCI Қозоғистон Ҳукумати, Қозоғистон биохилма-хиллигини сақлаш ассоциацияси (ACBK), Франкфурт зоологик жамияти (FZS),



Бетпақдалада урғочи сайгоқ қўзилаш вақтида.  
*Ева Клебелсберг сурати*

Буюк британияда BirdLife - Қушларни химоя қилиш Қирол жамияти (RSPB) ва WWF International томонидан бажарилмоқда. Халқаро миграция ва ривожланиш бўйича Германия Маркази ACBKда 2007 йилдан ишлаб келаётган икки эксперт ёрдамида лойиҳани қўлламоқда. 2006 йилда бошланган Алтин-Дала табиатни муҳофаза қилиш ташаббуси сайгоқнинг Бетпақдала популяцияси яшайдиган, майдони 55 млн. га (Франция катталиги)га яқин худудга қаратилган.

Алтин-Дала ташаббусининг асосий вазифалари:

- Сайгоқнинг Бетпақдала популяцияси ва унинг яшаш жойларининг келажақда омон қолиши учун, браконьерлик ва яшаш жойларини ўзгариши, ҳамда парчаланиб кетиши каби асосий таҳдидларни ўрганишга киришмоқ.
- Турли мақомли қўрикланадиган худудлар тармоғи, шунингдек сайгоқ, ҳамда кулан, жайрон, тувалок ва тарғоқ каби бошқа асосий турларнинг кўчиб ўтиш йўллари ва яшаш жойларини сақлаб қолиш учун йўлақлар ташкил қилиш.
- Маҳаллий аҳоли ва бошқа манфаатдор шахсларнинг асл дахлдорлиги, ҳамда аҳолининг фаровонлиги ва қишлоқ хўжалигининг ривожланишини қувватлаш каби асосий имкониятларни аниқлаш ва жойларда қўллаш.
- Табиатни муҳофаза қилиш чораларини режалаштириш ва жорий этиш мақсадида, Қозоғистон чўл ва яримчўллари ва у ерда истикомат қиладиган турлар тўғрисида маълумот тўплаш.
- Чўл ва сайгоқни сақлаш зарурияти пропагандасини миллий ва халқаро даражада кучайтириш.

*Давоми 2чи бетда.*

*Ева Клебелсберг,* Алтин-Дала табиатни муҳофаза қилиш ташаббуси ва Қозоғистон биохилма-хиллигини сақлаш ассоциацияси (ACBK), [eva.klebensberg@acbk.kz](mailto:eva.klebensberg@acbk.kz)

**Редакцион коллегия.** Буюк Британия: Э.Дж. Милнер-Гулланд, Имперал Колледж Лондон ([e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk](mailto:e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk)); Қозоғистон: А. Бекенов ва Ю. Грачев, Зоология институти ([terio@nursat.kz](mailto:terio@nursat.kz)); Хитой: Аили Кан ва Ли Лишу, WCS-Хитой ([ygling@online.sh.cn](mailto:ygling@online.sh.cn) ва [li@wcs.org](mailto:li@wcs.org)); Муғулистон: Б. Лхагвасурен, Биология институти ([ecolab@magicnet.mn](mailto:ecolab@magicnet.mn)) ва Е. Онон, WWF-Муғулистон ([mpp-species@wwf.mn](mailto:mpp-species@wwf.mn)); Россия: А. Лушчекина, Экология ва эволюция муаммолари институти ([russmabcom@gmail.com](mailto:russmabcom@gmail.com)) ва Ю. Арилов, Қалмоғистон Республикаси Ёввойи хайвонлар маркази ([kalmisaigak@elista.ru](mailto:kalmisaigak@elista.ru)); Туркманистон: Дж. Сапармуратов, Чўл, ўсимлик ва хайвонот дунёси миллий институти ([saparmuradov@mail.ru](mailto:saparmuradov@mail.ru)); Ўзбекистон: Е. Бикова ва А. Есипов, Зоология институти ([esipov@sarkor.uz](mailto:esipov@sarkor.uz)).

Материалларингизни 6 тилнинг бирида юборишингизни сўраймиз. Илтимос, [esipov@sarkor.uz](mailto:esipov@sarkor.uz) ва [saigaconservationalliance@yahoo.co.uk](mailto:saigaconservationalliance@yahoo.co.uk) манзилига еки муҳаррирларнинг бирига юборинг. Бюллетень йилига икки марта чиқади.

Бу нашрдан online <http://saigak.biodiversity.ru/publications.html>, [www.iccs.org.uk/saiganews.htm](http://www.iccs.org.uk/saiganews.htm) ва <http://www.wildlifewarden.net/wcs/mini/Saiga-Chinese.pdf> да ва яна pdf форматда еки талаб бўйича инглиз, козок, хитой, монгол, ўзбек ва рус тилларидаги матндан фойдаланиш мумкин.

молиявий ердамида чоп этилади



Биргаликда маблағ билан таъминлаш



Давоми (боши 1чи бетда)

### Нимага эришдик:

**Сайгоқни сақлаш:** Алтин-Дала Ташаббуси машина, палатка, дурбин ва бошқа зарур бўлган дала жиҳозлари билан таъминланган инспекторларнинг учта гуруҳини тузди. Улар инспекторлар давлат бригадаларини дала ишлари вақтида қувватлайдилар, лойиҳанинг мониторинг тизими учун асосий турлар бўйича маълумот йиғадилар, шунингдек ёшлар браконьерликка берилмаслиги учун мактаб ўқувчилари ва жойдаги обрўли инсон(анъанавий “қариялар кенгаши”)лар билан иш олиб борадилар.



ADC1 командаси Бетпақдалада кузатувлар олиб бормоқда.  
Оркен Шаймуханбетов сурати.

### Сайгоқнинг ялпи кўзилаши аниқланди

Сўнги ойлarning энг ажойиб муваффақияти, Бетпақдала популяцияси учун сўнги йиллардаги барча тавсифларидан энг муҳими бўлган сайгоқнинг кўзилаш жойларининг аниқланиши ва сақланиши билан боғлиқ бўлди.

Ҳозирги вақтда Бетпақдала популяцияси сайгоқларининг кўзилаш жойлари кичик қисмларга парчаланган ва сайгоқнинг ялпи тўпланиши кузатилмаяпти. Бироқ, уч hafta илгари ADC1 командаси 4 000 бошдан кўпроқ урғочи, тахминан 20 кун давомида кўзилаган жойни аниқлади. Инспектор ва олимлар Иргиз-Тўрғай резервати давлат инспекторлари билан биргаликда сайгоқ подалари ёнида қолдилар ва безовталиқ ва браконьерликка чап бериш мақсадида, йўлларни тўсишда иштирок этдилар. Улар шунингдек поданинг тарқалиши, катталиги ва хатти-ҳаракати бўйича маълумот тўплادилар. Экспедиция давомида учта кичикроқ кўзилаш жойлари аниқланди. Кейинги ойлар давомида инспекторлар подалар кетидан борадилар ва ADC1 учун миграция ва яйловлар бўйича маълумотларни аниқлашга ҳаракат қилдилар.

2008 йилнинг апрел ойида ADC1 командаси Қозоғистон Ҳукуматининг “Сайгоқ ва ёввойи туёқли ҳайвонларни сақлаш бўйича дастури” орқали ҳар йили ўтказилган сайгоқ авиаучетларида илк бор иштирок этди. Ҳозирги вақтда узок муддатли истикболда сон бўйича аниқроқ маълумотлар олиш мақсадида, Бетпақдала популяциясининг мониторингини техник ва услубий тарафдан кучайтириш учун Қозоғистон ўрмончилик ва овчилик қўмитаси ADC1 лойиҳасини қўлламоқда. GPS ва алтметрлар каби “замонавий” ускуналарнинг етишмаслиги ва кам сонли популяцияларнинг замонавий ҳолатига мослаштирилмаган услубларнинг қўлланиши сабабли, сўнги йилларда олинган маълумотлар унчалик аниқ кўринмайди. Бироқ, бу маълумотлар бизга ижобий ривожланаётган популяцион динамика тўғрисида информация беради.

**Кўрикланадиган табиий ҳудуд яратиш:** ADC1 ёрдами орқали муҳим ёзги яйловлар ва сайгоқнинг кўзилаш жойларини қамраб оладиган 500.000 га чўл ва сув-ботқоқлик участкалар “Кўрикланадиган табиий ҳудудларни ривожлантириш давлат дастури”га киритилиши мумкин. Лойиҳа командаси кўрикланадиган ҳудуднинг биологик ресурсларини тавсифлаш

билан бирга ҳудуднинг талаб этилган илмий баҳолалишини молиявий қўллади ва ишлаб чиқди. Ҳозирги вақтда биз иқтисодий ва техник асос тайёрламоқдамиз. Кўрикланадиган ҳудуд, эҳтимол, 2010 йилга ташкил этилади.

ADC1 ҳозирги вақтда “Кўрикланадиган табиий ҳудудларни ривожлантириш давлат дастури”га киритиш учун Қозоғистоннинг кўрикланадиган ҳудудлари тизимида экотизими етарлича кўрсатилмаган ҳудудлар, сайгоқнинг муҳим яшаш жойлари ва биохилма-хилликнинг “иссиқ нукталари”ни аниқлаш учун “оқ доғлар” таҳлили деб аталмиш усул орқали янги участкаларни аниқламоқда. Алтин-Дала командаси шу йилнинг ёз мавсумида сайгоқ учун бу ерлар қандай аҳамиятга эгалигини аниқлаш мақсадида, бундай районларнинг бири ёки бир нечтасига экспедициялар уюштиради.

Алтин-Дала мақсади сайгоқнинг Бетпақдала ареали чегарасида катталиги 3-4 млн. га яқин кўрикланадиган ҳудудлар тармоғини тузиш.

### Табиатни муҳофаза қилишни режалаштиришга

**экотизим ёндашиши:** шимолий ярим шарнинг чўл ва ярим чўл экотизимлари ва уларнинг биохилма-хиллиги ҳали ҳам яхши ўрганилмаган. Аммо, сайгоқ табиий яйлов ва ярим чўл ҳайвонот ва ўсимлик дунёси учун муҳим роль ўйнаши бўйича жиддий далиллар бор. Сайгоқлар чўл ўсимликларининг уруғларини катта масофаларга олиб ўтади, олиб ўтиш ва босиб-янчиб ерга қориш (бу уруғнинг унишига имкон беради) йўли билан ер унумдорлигини оширади деб ҳисобланади. Молларни ёйиш даврийлигининг бузилиши ўсимликларнинг ялпи ўзгаришига, уларнинг деградацияси ва таркиби бўйича бой бўлмаган бир хилдаги ўсимлик қопламанинг тарқалишига олиб келди.

RSPB ва ACBK замонавий тадқиқотлари кескин ҳавф остидаги (IUCN 2007) тарғоқ (*Vanellus gregarius*) ва ёввойи туёқли ҳайвонларнинг чўлда ўтлаши орасидаги яқин алоқдорликни кўрсатади. Бу ноёб қушнинг энг муҳим уялаш участкалари Қозоғистонда жойлашган. У инларини ернинг ўсимликлари паст бир текис тарқалмаган жойларида жойлаштиради, жўжаси эса бекиниш учун баландроқ ўтларга муҳтож. Бу вегетациянинг табиий ҳолати эса молларни интенсив ўтлатиш натижасида бир маромда сақланмаяпти.

Байбак суғури (*Marmota bobak*) ва юмронқозиклар (*Spermophilus sp.*) каби йирик кемирувчилар ҳам ёввойи туёқли ҳайвонларнинг ўтлашига боғлиқ бўлиши мумкин. Уларнинг камайиши, эҳтимол, уларнинг асосий душманлари, биринчи навбатда дашт бўқтаргиси (*Circus macrourus*), сариқ сор (*Buteo rufinus*) ёки чўл бургути (*Aquila nipalensis*)нинг сонига таъсир кўрсатади. Шунингдек, тасқара (*Aegypius monachus*) ва оқбош кумой (*Gyps fulvus*)нинг деярли бутунлай йўқолиши сайгоқнинг кам сони билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Қиш мавсуми давомида, ерни қор қоплаб, кемирувчи ва бошқа майда сут эмизувчиларга ов қилиб бўлмаганда бўрилар бутунлай сайгоқларга қарам бўлиб қолади. Улар қари ва касал зотларига ов қилади, чунки соғлари тез югуради ва уларни ушлаш қийин. Ҳозирги кунда йирткич-қурбон муносабатидаги дисбаланс бўриларни қўй ва бошқа уй ҳайвонларига ҳамла қилиш учун, қишлоқларга яқинлашишга мажбурлайди. Бу маҳаллий чўпонларга муаммо бўлиб, бўриларнинг ялпи қирилишига олиб келмоқда.

Университет ва илмий институтлар билан ҳамкорлик ўрнатиш орқали, шунингдек ўз илмий изланишлари ва мониторингини бажариб, ADC1 режалаштирилган кўрикланадиган ҳудудлар, йўлаклар ва муҳофаза чоралари бўйича таянч (база) билимларни тўплашга ҳаракат қиляпти:

- Ҳозирги вақтда ADC1 Грейфсвальд университети ва Қозоғистон илмий институт ва университетлари билан биргаликда чўл сукцессияси ва экотизимларни тиклаш бўйича илмий лойиҳани ривожлантиряпти.

- Тарғоқ бўйича RSPB ва ACBK лойиҳаси доирасида экотизим талаблари, ҳамда уй ва ёввойи туёқли хайвонларнинг ўзаро таъсири ўрганилмоқда.
- Ҳозирги вақтда сайгоқнинг Бетпақдала популяцияси чегарасида ижтимоий-иқтисодий вазият,

ердан фойдаланиш тартиби ва демографик трендларни ўрганиш ADCI томонидан Deutsche Gesellschaft für Technische Zusammenarbeit (German Technical Cooperation) GTZ ёрдамида олиб бориляпти.

## Янгиликлар



### Америка Конгрессининг аъзолари сайгоқ тўғрисида кўпроқ маълумотга эга бўлди

2008 й. июль ойида Сайгоқни сақлаш бўйича альянс Америка Конгрессининг аъзо ва ходимларига сайгоқни сақлаш тўғрисида сўзлаб бериш учун, ICCF (International Conservation Caucus Foundation) Халқаро табиатни муҳофаза қилиш фонди томонидан таклиф этилди. SCA вакили д-р Алина Кюль сайгоқ тўғрисида маъруза билан чиқди, бу ICCF Конгресс учун уюштирган брифингнинг бир қисми бўлди. Ёввойи табиат фондидан чиққан Карен Росс Окавандо дельтаси тўғрисида

Конгресс вакили бўлган 60та иштирокчидан атиги учтаси сайгоқ тўғрисида ва бу Америка халқаро сиёсати ва энергетик протоколнинг чўққисиди бўлган Марказий Осиё ва Россия билан боғлиқлигини қачонлардир эшитган. Шунинг учун сайгоқ тўғрисидаги суҳбат яхши қабул қилинди. *Маърузаларни видеода кўриш учун, <http://iccfoundation.us/e-briefings/20080613karenross/index.htm>га кириш.*

### Хамкорлик йўлида

2008 йил февраль ойида Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Дала Қўмитаси ва Қозоғистон Республикаси ҚХВ Ўрмончилик ва овчилик қўмитасининг қўшма кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш яқунлари бўйича “Сайгоқнинг Устюрт популяциясини сақлаш бўйича 2008-2010 йилларга биргаликдаги ҳаракатлар режаси”

имзоланди. Биргаликдаги режани амалга ошириш доирасида Ўзбекистон вакили Қозоғистонда ўтказилган сайгоқнинг авиаучетларида иштирок этди (*наст. қар.*). *Қўшимча маълумот учун [gobiocontrol-ruz@sarcor.ru](mailto:gobiocontrol-ruz@sarcor.ru), ЎзР Давтабқўмитаси Г.Ф. Гончаровга мурожаат қилинг.*

### Қозоғистонда сайгоқнинг биргаликдаги авиаучетлари ўтказилди

Қозоғистонда сайгоқ авиаучети 2008 йил 14 апрелдан 4 майгача ҚР ТФВ(МОН) Зоология институти, ҚР ҚХВ ўрмончилик ва овчилик қўмитаси, “ПО Охотзоопром”, ўрмончилик ва овчилик хўжалигининг вилоят ҳудудий бошқармалари, Қозоғистон биохилма-хиллигини сақлаш Ассоциацияси ходимлари, ва шунингдек, Ўзбекистондан Сайгоқни сақлаш бўйича Альянс вакили иштирокида ўтказилди. Сайгоқнинг умумий сони 61,0 минг бошни ташкил этди, шу ҳисобдан Бетпақдала популяцияси – 32,3 минг, Устюрт популяцияси – 10,4 минг, Урал популяцияси – 18,3 минг.

2007 йилга нисбатан сайгоқнинг умумий сони 11,3%га кўпайган, бироқ Устюрт популяцияси учун қисқариш белгиланган. Бу популяцияга нисбатан масала ҳали ҳам очик қолмоқда – учёт вақтида сайгоқнинг қандай миқдори Ўзбекистонда бўлади? Шубҳасиз, турли йилларда об-ҳаво, иқлим шароитларига боғлиқ бўлган ҳолда, сайгоқнинг бу миқдори ҳар хил бўлади. Бу масалани ечиш учун сайгоқ учетини иккала давлатда ҳам бир вақтда олиб бориш керак. *Қўшимча маълумот учун [terio@nursat.kz](mailto:terio@nursat.kz), ҚР МОН Зоология институти Ю.А. Грачевга мурожаат қилинг.*



Сайгоқлар самолет қаноти остида. В.Тугалев сурати



Охотзоопром ва Зоология институти ходимлари сайгоқни Урал популяциясининг учети вақтида. Д.Головцов сурати

### Сайгоқ Ўзбекистон Қизил китобига киритилди

2008 йил 5 мартда Тошкентда Қизил китоб бўйича Муассасалараро Комиссиянинг режадаги йиғилиши бўлди ва унда сайгоқни миллий Қизил китобга киритиш тўғрисидаги қарор бир овоздан қабул қилинди. 21 апрель куни ЎзР Давтабқўмитанинг 39-сонли буйруғи билан сайгоқ, заиф тур мақоми билан Қизил китобга киритилди. 1991 йилдан бошлаб Ўзбекистонда сайгоқ ови тақиқланган ва у алоҳида муҳофаза

қилиниши лозим бўлган турлар рўйхатига киритилган эди, бироқ бу қутилган ижобий самарани бермади. Сайгоқ мақомининг қайта кўрилиши ва уни миллий Қизил китобга киритилишига Республикада ҳар йилги қишки миграция вақтида ҳам, кўзилаш жойларида ҳам сайгоқ сонининг кескин қисқарилиши сабаб бўлди.

Қўшимча маълумот учун [gosbiocontrol-ruz@sarcor.ru](mailto:gosbiocontrol-ruz@sarcor.ru) ЎЗР Давтабқўмитанинг Давбионазорати,

А.А. Григорьянца мурожаат қилинг.



## Ўзбекистонда сайғоқ химоячиси топилди

Сайғоқ муҳофазаси муаммосини тубдан ечиш учун 2008й. 15 февралда ЎЗР Давтабқўмита томонидан ҚР Олий Кенгаши билан келишган ҳолда ИАИ(САИ) (Ихтисослаштирилган Амударё инспекцияси) тузилди. Амударё этақларининг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, шу жумладан сайғоқ, Бухоро бугуси, жайрон ва тувалокнинг муҳофазаси, ҳамда саксовул, тўранғи ва б-ни ноқонуний кесишнинг олдини олиш унинг асосий вазифаси. Устюрт платоси назорат қилинадиган худуднинг қисми бўлади. ИАИ штати 6 кишидан иборат,

2та УАЗ автомашинаси бор Худуднинг кўламдорлиги (10 млн. га дан ортиқ, шу жумладан Устюрт ва Орол денгизини қуритилган тубининг шарқий соҳили Қозоғистоннинг Қизилўрда вил. чегарасигача) ва сайғоқ овининг спецификаси (*наст. қар.*)ни ҳисобга олганда, бу турнинг муҳофазасини кафолатлаш учун турли халқаро фонд ва ташкилотлар томонидан қўшимча ердан жалб этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Қўшимча маълумот учун [eprommakset@mail.ru](mailto:eprommakset@mail.ru), САИ, М.Косбергеновга мурожаат қилинг.

## Хитой ҳукумати сайғоқни сақлаш ва ундан ишлаб чиқилган тиббий маҳсулотнинг маъмурий тартибга солиниши ҳақида эълон қилди

2007й. 12 ноябрда ХХР Ҳукумати Овчилик хўжалигининг Давлат бошқармаси, Соғлиқни сақлаш Вазирлиги, Саноат ва савдо Давлат бошқармаси, дори-дармон ва озиқ-овқат сифатининг санитария назорати бўйича Давлат бошқармаси ва Анъанавий Хитой медицинаси Давлат бошқармаси билан биргаликда “сайғоқ, панголин, илонларни ноёб турларининг муҳофазасини кучайтириш ва улардан медицина эҳтиёжиди тайёрланган маҳсулотни стандартлаштиришни бошқариш бўйича Низом” қабул қилиниши эълон қилди.

Низомнинг қабул қилиниши панголин ва илонларнинг ноёб турлари сонининг тез қисқарилиши, шунингдек “сайғоқ шохининг кескин етишмаслиги” анъанавий Хитой медицинаси (АХМ) препаратларини тайёрлашда ҳам ашё танглигига ва халқаро жамият томонидан муаммоларга олиб келган, вақти вақти билан содир бўлиб, Хитойга келатган контрабанда ҳолатларига олиб келиши билан боғлиқ. СИТЕС ва МСОП бошқариш ва бажаришни кучайтирилиши талаб қилиб сайғоқни сақлаш тўғрисида резолюция юборди.



Анъанавий Хитой медицинаси бозори. Лишу Лу сурати

Сайғоқ шохини ва ундан тайёрланган маҳсулотнинг чакана нархини бошқариш ва тартибга солиш мақсадида, Низомда атайин қуйидаги бандлар мавжуд:

1) Табиий популяцияларни тиклаш жараенига, ҳамда сайғоқ, панголин ва илонларнинг ноёб турларини тутқинликда кўпайтиришга истеъмолчи корпорацияларни жалб этишни

йўналтириш, рағбатлантириш ва қўллаш.

2) Ҳом ашё захирасини назорат қилиш учун рўхатдан ўтказиш, рўйхат олиб бориш, шаклини стандартлаштириб, сақлаш усулини кўрсатиш.

3) Ҳозирдан сайғоқ шохидан ҳам ашё белгиланган шифохоналарда клиник қўлланилиши билан ва АХМ препаратларини ишлаб чиқариш учун чекланиши керак. Уларнинг биронтаси ҳам бу белгиланган шифохоналар ташқарисиди сотилиши мумкин эмас. АХМ препаратларини ишлаб чиқариш учун сайғоқ шохидан фойдаланмоқчи бўлган ҳар қандай структура, дори-дармон ва озиқ-овқат сифатининг санитария назорати бўйича Давлат бошқармаси ва кузатувчи агентликлар томонидан берилган тегишли рухсатномага эга бўлганлардан бири бўлиши керак.

4) Нолегал манбалардан сайғоқ шохидан ҳам ашёни қонуний савдо тармоғига тушмаслигининг олдини олиш учун, текшириш, рўйхатга олиш ва стандартлаштиришдан кейин, ҳам ашё фақат рўйхатдан ўтган АХМ препаратларини ишлаб чиқариш корпорациялари ва белгиланган шифохоналарга сотилиши мумкин. У фақат рухсатномаси бўлган АХМ препаратлари ёки бошқа маҳсулотни ишлаб чиқаришда, ва белгиланган шифохоналарда клиник фойдаланиш учун қўлланилиши мумкин.

5) АХМ препаратлари ва таркибиди сайғоқ шохини мавжуд бўлган маҳсулотлар этикеткалар билан таъминланиб назорат остида бўлиши керак. 2008й. 1 мартдан сотувга келишидан олдин барча АХМ препаратлари ва таркибиди сайғоқ шохини мавжуд бўлган маҳсулотларнинг энг кам дозали упаковкисиди “Хитойда ёввойи ҳайвонлардан фойдаланиш ва тижорат фаолияти” ёзуви ёрлик бўлиши шарт.

6) Назоратни кучайтириш ва яхшилаш керак. Сайғоқ шохининг нолегал савдоси ва контрабандаси қатъий жазоланиши керак.

Бу Низомнинг қабул қилинишигача сайғоқ шохини захирасини рўйхатга олиш ва бошқариш фақат бир нечта АХМ препаратларини ишлаб чиқарадиган корпорациялар ва фармакологик компаниялар учун ҳам ашёдан фойдаланиш билан чегараланган эди. Бу чакана корпорациялар ва индивидуал запаслар учун тегишли бошқарувни таъминламасди. Янги Низом юқориди кўрсатилган турлар, айниқса сайғоқ шохининг чакана савдосини бошқаришдаги бўшлиқни тўлдирди. У стандартлаштирилган менеджмент ва сайғоқ шохини чакана бозорининг назоратини йўналтиради.

## Қалмиқ газеталаридан

2008 йил 23 майдан «Известия Калмыкии» газетасининг хабар беришича бу йил сайғоқларнинг кўзилаши кечроқ, май ойининг ўрталарида бошланди ва совуқ кунларга тўғри келди.

Шу сабадан янги туғилган сайғоқчаларнинг сони олдинги йилларга қараганда анча кам бўлди. "Черные земли" давлат биосфера кўриқхонаси илмий ходимларининг маълумотлари

бүйича, уларга "Тингунтинский" («Степной») заказнигига бу йилнинг баҳорида кўзилашга анча кам урғочилар келган (2007 й. 12 000га нисбатан 7 000га яқин). Бунинг сабабини мутахассислар ҳам қийин иқлим шароитларининг мавжудлигида (ўтган йили ёзда курғоқчилик чўл антилопаларини кетишга мажбурлади), ҳам муассасалардаги қийин аҳвол (ҚР бүйича Россельхознадзорнинг федерал

Бошқармасидан регионал Табиат Вазирлигига моддий ва одам резервини ўтказиш жараёни ҳозирги кунгача чўзилиб келмоқда) туфайли тегишли муҳофазанинг йўқлигида кўрмоқдалар. Бироқ ҳозирги иқлим шароитлари – ёмғирли баҳордан кейинги баланд ўсган ўт-ўлан – оптимизм туғдиради: ёзда сайғоқларга алоҳида кўрикландиган ҳудудлардан узокка, озиқа қидириб кетишига тўғри келмайди.

### Ёш олимлар сайғоқни сақлаб қолиш муаммосини Саратовда ўтказилган Халқаро мактаб-семинарда мунозара қилдилар

2008 йил 5 – 7 майда РФА А.Н. Северцов номидаги Экология ва эволюция муаммолари институтининг Саратов филиали (Саратов обл., Краснокутск райони, Дьяковка қ.) базасида “Чўл экотизимларининг табиий ва антропоген динамикаси ва муҳитнинг ўзгараётган шароитларида табиатни муҳофаза қилишга ёндашиш” ёш олимларнинг навбатдаги халқаро мактаб-семинари ўтказилди. Ёш олимлар олдида етакчи чўлшунос-олимлар маърузалар билан чиқдилар, экскурсия ташкил қилинди. Ёш олимларнинг маърузалари қуйидагиларга бағишланган эди; чўл зонасида табиий ва антропоген омиллар; чўл табиий-территориал комплексларининг структураси; чўлларнинг ҳайвонот дунёси; чўл экотизимлари муҳофазасининг муаммолари. РФА ЭЭМИ аспирантлари К.О. Ларионов ва Н.Ю. Ариловаларнинг маърузалари сайғоққа бағишланган эди. Бу маърузалар мактаб иштирокчиларида қизиқиш ва кизгин музокара уйғотди. Мактаб- семинарнинг материаллари “Поволжский экологический журнал”нинг маҳсус сонида нашр этилади. *Қўшимча маълумот учун [arylova@gmail.com](mailto:arylova@gmail.com), РФА ЭЭМИ, Н. Ю. Ариловага мурожаат қилинг.*



Халқаро мактаб-семинар иштирокчилари.  
Елена Данжалова сурати

### Хитой, Юньнань провинциясида сайғоқ шохининг нолегал сотувида гумон қилинаётган икки шахс ҳибсга олинди

20 январда Куньмин ш. аэропортида учиб кетиш вақтида Чжэцзян провинциясидан мисс Ли ҳибсга олинди. Хавфсизлик хизмати унинг бағажида иккита сайғоқ шохини топди. Лининг айтишича, у шохларни қайнонасини даволаш учун Куньминда Цзюйхуаюань анъанавий Хитой медицинаси (АХМ) бозорида жаноб Чжоудан 1,800 юань (~ US\$225)га сотиб олган. Бу маълумотга асосланиб, провинция ўрмончилик хўжалигининг полициячилари окшомдаёқ Цзюйхуаюань АХМ бозорида жаноб Чжоунинг омборида 28та сайғоқ шохини топдилар. жаноб Чжоунинг айтишича уч йил аввал синьцзянликлар бозорда АХМ учун ҳом ашё сотган. Ўшанда у 6800 юань/кг (~US\$850) нарҳдан 30та шох сотиб олган. ХХР ФА Куньмин Зоология институтида ўтказилган экспертиза натижалари бу 30та шох 22та сайғоққа тегишлилигини кўрсатди (1 табиатни кўриқлаш тоифаси). Иккала гумон қилинаётганлар ҳозирги вақтда тергов остида.



Хитойда сайғоқ шохини бозорда сотилиши.  
Чжао Яо сурати

### Хитой, Ганьсу провинциясида сайғоқнинг бта шохининг мусодараси билан ҳайвонларга оид маҳсулотини нолегал сотиш ҳолати

Xinhua Net, Ляньчжоу халқаро табиатни сақлаш ташкилотидан олинган маълумотни далил қилиб 16 январда Ганьсу провинцияси ўрм. хўжалигининг полициячилари ҳайвонларга оид маҳсулотни нолегал сотиш ҳолатини очдилар

деб хабар беради. бта сайғоқ шохи, 1та тулки териси ва фил суягидан ясалган 90та буюм мусодара қилинди. Гумон қилинаётган 12 шахснинг ҳаммаси ўз айбини тан олди.

### Қалмоғистонда браконьер ов қилинган сайғоқ билан ушлаб қолинди

Парламентский вестник Калмыкии хабар беришича 2008й. 8 январда Қалмоғистон Яшқўл райони бүйича ИИБ участка милиционерлари Хулхуталик 43-ешли М. В. Романенко бошқарувидаги ВАЗ-2107 автомашинани тўхтатдилар.

Автомобиль бағажонасида сайғоқ нимтаси топилди. Ромаренко сайғоқни мотоциклда браконьерлик қилиб ов қилгани аниқланди. Жиноий иш қўзғатилган.

## Браконьерлар Бойқўнғир космодроми ҳудудида тўхтатиб қолинди

Экспресс-К қозоқ газетасининг муҳбири Илья Гук хабар беришича, 2008 й. 17 январда Қозоғистон Қизилўрда вилоятининг Каражусан деган жойида браконьерларнинг бир нечта гуруҳи ушланди. Аввал текширувчилар ЗИЛ автомашинасини тўхтатди, бу ерда 4та сайгоқ нимтаси ва 2та 12-чи калибрли ов милтиғи топилди. Кейин улар яна 2та

сайгоқ нимтаси, 2та 12-чи калибрли ов милтиғи ва 7,62 калибрли “Сайга” нарезкали курулни олиб кетаган 3та енгил автомашинани тўхтатдилар. Баеннома ва ашевий далиллар Қизилўрда ДВДга ўтказилди. [http://www.express-k.kz/show\\_article.php?art\\_id=14461](http://www.express-k.kz/show_article.php?art_id=14461) да Баеннома да.

## Нашриёт шарҳи

Қозоғистон: *ЦентрАзия*. 27.06.2008 [қисқартирилган нақли]  
<http://www.centrasia.ru/newsA.php?st=1214553420>

### Сайга ҳақида сага

#### Сайгоқнинг Қозоғистон популяциясини ким/нима ўлдирди.

Сайгоқнинг ўлимида суд тизимининг гуманизацияси айбдор...

...яна тарих, иқлим ва бизнинг кўшилар. Бу тўғрисида, Алматида бўлиб ўтган, ноёб ва йўқ бўлиб кетаётган ёввойи ҳайвонлар ва сайгоқнинг муҳофазаси, ҳамда қайта тикланишига бағишланган пресс-конференцияда гап кетди.

Ҳали 1993 йилда ҳам Қозоғистонда сайгоқнинг сони 1 млн 300 минг бошдан иборат эди. Бироқ, 2003 йилга бориб Қозоғистонда атиги 21 минг сайгоқ қолди. Бунинг сабаблари кўп. Бу, ҳайвонларнинг кўпини Ўзбекистонга кетишга мажбурлаган 1993 йилнинг совуқ киши ҳам. Ўша вақт хроникасидан маълумки, сайгоқлар хатто одамлар уйларига кирган, одамлар эса уларни отиб олган. Кейин 1995 йилнинг техноген фожиаси. Олимлар нима бўлганини ханузгача тушингани йўқ, бироқ ракета учиршида, ёки ракетани қайтишида қандайдир модданининг отилиб чиқиши ҳайвонларнинг ялли қирилишига олиб келди. Аммо, сайгоқ шохи савдосига руҳсат бериб, энг кучли зарбани давлат етказди. Браконьерлар хатто гўштани нимталамасдилар, фақат шохини кесиб оларди. Сайгоқ шохи Хитойга сотиларди.

Фақат 1999 йилда давлат мансабдорлари шу йиллар давомида фожа тўғрисида дод солган, табиат кўрикловчиларининг ожиз овозларини эшитди. Ўшанда сайгоқ ови тақиқланди.

Ҳозирги вақтда сайгоқ сони 61 минг бошдан иборат. Шу билан бирга Устюрт популяциясининг қисқарилиши кетяпти. Ўтган йили уларнинг сони 15 мингга эди, бу йил эса 10 минг. Бунинг сабабини зоологлар сайгоқни қишда, ҳайвонлар тегишли равишда кўриқланмайдиган, Ўзбекистон ва Туркменистонга кўчиб ўтишида кўраяпти. Буни кўшнилариимиз ҳам тан оладилар. Бу йилдан сув ресурслари ва ҳайвонот оламини сақлаш ва



Сайгоқлар Бетпақдалада кўзилаш вақтида.  
 Оркен Шаймуханбетов сурати

улардан оқилона фойдаланиш, ҳамда алоҳида кўриқланадиган табиий ҳудудлар тармоғини ривожлантириш бўйича 2008-2010 йилларга Давлат дастури бошланди. У 2005–2007 йй. бўлган ўхшаш дастурнинг давоми бўлади.

Бутун мамлакатда ноёб ва йўқ бўлиб кетаётган турларнинг муҳофаза қилиш хизматининг жихозланиши яхшиланяпти. Ҳозирги вақтда 40тага яқин машина бор. Таркибида мамлакатимизнинг ҳар бир овчисига маълумот бўлган маълумотлар маҳсус базаси ишлаб чиқилляпти. Бундан ташқари, Қозоғистон ҳайвонот дунёсини сақлаш ва браконьерликка қарши курашишга қаратилган “Алтин Дала” узок муддатли табиатни муҳофаза қилиш дастури бошланди. Бу билан Қозоғистон биохилма-хиллигини сақлаш Ассоциацияси ва Ёввойи табиатни муҳофаза қилиш Бутун жаҳон фонди каби ноҳукумат ташкилотлар шугилланяпти. Шунингдек, НПО ва давлат органларининг биргаликдаги ҳаракатлари билан табиатни муҳофаза қилиш зоналарини тузиш бўйича иш олиб бориляпти. Сайгоқ муаммоси халқаро даражада ҳам ечилмоқда. 2007 й. май ойида Қозоғистон ва Туркменистон сайгоқни сақлаш муаммолари бўйича ҳукуматлараро битимни имзолади. Ўзбекистон билан монанд битим мувофиқлаштириш босқичида турибди.

Ҳозирги кунда браконьерлик сайгоқни йўқолишининг асосий сабаби бўлиб қоляпти. 2007 йилда Қозоғистонда 2500дан ортик браконьерлик ҳолатлари аниқланган. Бу фақат белгиланган ҳоллари. Бор йўғи 120 иш судгача етиб борган. Бизнинг суд тизимимиз гуманизацияси сабабли, браконьерлик билан боғлиқ ишлар кўпинча жиноий жазо билан тугалланмаяпти. Энг яхши ҳолда – бу шартли ҳукм. Бироқ, масалан, транспорт воситаларини мусодара қилиш масаласи умуман қўйилмаган. Зоологлар бу масала бўйича адлия ва ички ишлар вазирлигига ердам сўраб мурожаат қилганлар. Аммо ҳозирча ўзгаришлар кузатилмаяпти. Табиат химоячиларининг ишончи комил, агарда браконьерлар овга келадиган джиплар мусодара қилинганда эди, бу кўпчиликнинг ақлини киритарди. Уларнинг сўзларига қараганда “давлат қонунчилигида браконьерлик воситаси деб, ҳайвон қувиб борилган транспорт воситаси ҳисобланади.” Бу далил хужжатлар асосида белгиланиши керак. Бироқ егерлар буни қила олмайди! Фақат овчиларнинг ўзлари камерага олаётган бўлса бунинг иложиси бор. Квадроцикл ва қордаюрлар эса яқинда транспорт воситаларига киритилди.

Инспекторлар, уларнинг транспортини овчиларники билан солиштириб бўлмаслигига бир неча бор шикоят қилганлар. Бундан ташқари, овга чиқаётган одамлар кўпинча юқори табақага мансубдир. Бу ерда гап қисқа бўлади. Мана шунга зоологлар жазолаш чорасини жиддий қилиш ва уни барчага, истисносиз қўллашни талаб этмоқда. Ўз тарафидан улар қўлидан келган ҳаммасини ва ундан ортиқроғини қиялптилар.

Алина Бекирова

**Маълумот**

Битта отиб олинган сайгоқ учун штраф 150–200 минг тенгени ташкил этади. Браконьерни 3 йилгача озодликдан маҳрум этиш учун битта сайгоқ танаси билан ушлаш ҳолати етарлича. Шунингдек ҚР ҳукуматининг 2004й. 8 январдаги 18-сонли қарори билан туёқли ҳайвонларнинг эмбрионли урғочисини ноқонуний овлашда етказилган зарарни қоплаш миқдори белгиланган. Энди туғилмаган сайгоқ учун штраф 70 минг тенгени ташкил этади

## Илмий мақолалар

### Сайгоқни Қозоғистонда сақлаш

Дүйсекеев Б.З.<sup>1</sup>, Скляренко С.Л.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Қозоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ўрмончилик ва овчилик қўмитаси, Остона ш.;

<sup>2</sup> Қозоғистон биохилма-хиллигини сақлаш ассоциацияси, Алмати ш.

Сайгоқ сонининг кескин камайиши натижасида уни асраш Қозоғистонда миллий муаммога айланди. Мамлакатда сайгоқнинг ўнта маъмурий вилоят: Актюбинск, Атираус, Жамбил, Ғарбий-Қозоғистон, Караганда, Кизилўрда, Мангистау, Жанубий-Қозоғистон ва қисман, Акмола, ҳамда Алмати ҳудудларида жойлашган учта: Бетпақда, Устюрт ва Урал популяцияси яшайди. Сайгоқнинг бутун ареали давомида маҳаллий аҳоли томонидан йил давомида олиб бориладиган браконьерлик, тур сонини камайишининг асосий сабабидир.

Қозоғистон Ҳукумати томонидан Республикада сайгоқни йўқ бўлишига йўл қўймаслик бўйича чоралар кўриляпти. Бу масалада кескин ўзгариш 2001 йилга тўғри келди, республика бюджетидан сайгоқни муҳофазаси ва учётига илк бор 14,0 млн. тенге ажратилди. Кейинги йилларда маблағ билан таъминлаш ҳажми мунтазам ўсиб борди ва 2005-2007 йй. йилига 200,0 млн. тенге (1,7 млн. АҚШ долларига яқин)дан ташкил этди.

Қишлоқ хўжалиги Вазирлиги ўрмончилик ва овчилик хўжалиги Қўмитаси ва ҚР Таълим ва фан Вазирлиги Зоология институти томонидан “2005–2007 йилларга ноёб ва йўқ бўлиш ҳавфи остидаги ёввойи туёқли ҳайвонлар турлари ва сайгоқни сақлаш бўйича дастур” ишлаб чиқилди. Дастур вилоят акиматлари билан мувофиқлаштирилди ва 2005 йил март ойида Қозоғистон Республикаси Ҳукуматининг қарори билан қабул қилинди. Шу йилдаёқ дастурни амалга ошириш учун республика бюджетидан 182,5 млн. тенге ажратилди, 2006 й. эса - 205,0 млн. тенгедан кўпроқ ва 2007 йилда маблағ билан таъминлаш 200,0 млн. тенге (1 млн. 670 минг АҚШ долларига яқин)дан ортиқни ташкил этди.

Сайгоқнинг ноқонуний ови учун жавобгарлик чораларини кучайтириш мақсадида, ҚР Жиноий Кодекси ва ҚР маъмурий қонунни бузиш Кодекси нормаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, овланиши мутлақо тақиқланган ҳайвонларни ва улардан тайёрланган маҳсулотни сотиб олиш ёки сотиш учун жазо кўзда тутилган. Бу низом браконьерлик маҳсулоти ноъмалум шахсдан олинган деб браконьерларни жавобгарликдан кетиш имкониятидан маҳрум этади.

Қўмитанинг 2005 йил 22 сентябрдаги 206-сонли буйруғи билан Қозоғистон Республикасининг барча ҳудудларида 2011 йилгача сайгоқни овлаш, шунингдек шохи ва ундан тёерланган маҳсулотни йиғиш, сотиб олиш ва сотиш, илмий мақсадда фойдаланиш ҳолларидан ташқари, тақиқланди. Ушбу Буйруқ ўрнатилган тартибда ҚР Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилди.

Дастур доирасида сайгоқ бошини йилига камида 10%га кўпайтириш ва тур популяцияларини овладидиган сонга етказиш мақсадида, муҳофаза қилиш тадбирларини янада самарали юргизиш бўйича иш олиб борилди. Сайгоқнинг аниқ яшаш жойлари аниқланди, лимитловчи омилар(браконьерлар, бўрилар)ни бартараф этиш бўйича чоралар кўрилмоқда. Сайгоқ ареалининг барча қисмларида овчилардан овчилик бригадалар ташкил этилиб 2005-2007 йилларда 5000та бўри овланди.

Сайгоқ муҳофазаси унинг яшаш жойларида РГКП “ПО “Охотзоопром” томонидан амалга ошириляпти. 83 инспектордан иборат бўлган 9та мобил гуруҳ, 43та ўта қийин йўллардан ўта оладиган автотранспорт ва 4та спорт мотоциклини жалб этган ҳолда, вахта методи билан ишляпти. Шунингдек, сайгоқни кўриқлашда ўрмончилик ва овчилик хўжалиги вилоят ҳудудий бошқармаларининг давлат инспекторлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ҳам иштирок этияпти. Мобил гуруҳлар табель қуроли, йўлдошли телефон, видео- ва фотокамера, ҳамда мобил радиостанция билан таъминланган. РГКП «ПО «Охотзоопром» томонидан «Ми-2» вертолетни сотиб олинган ва у ҳозирги вақтда сайгоқларни кўриқлашда ишлатилади.



Охотзоопром инспекторлари Бозой п. атроф. дала аэродромида Устюрт популяциясини ҳисоблаш вақтида, 2008 й. баҳори. Д. Головцов сурати

2005-2007 йй. Қўмита вилоят ҳудудий бошқармаларининг давлат инспекторлари, РГКП «ПО Охотзоопром» ходимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ва табиатни муҳофаза қилиш жамоа ташкилотлари томонидан, натижасида 210 сайгоқ отиб олинган, браконьерликнинг 34 ҳолати аниқланган. Барча кўрсатиб ўтилган далиллар бўйича материаллар процессуал қарор чиқариш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига ўтказилган, уларнинг бир қатори бўйича табиатни муҳофаза қилиш қонунларини бузган шахслар етказилган зарарни қоплаш билан жиноий жавобгарликка тортилган.

Сайгоқни сақлаш пропагандаси мақсади билан, Дастурнинг бажарилиши доирасида, ижтимоий роликлар яратилган. Ушбу видеоматериал «Қозоғистон», «Хабар», «Ел-Арна» ва «31 канал» республика телеканаллари бўйича кўрсатиляпти. Сайгоқ сонининг ошиши билан браконьерлик эҳтимолигининг кўтарилишини белгилаш лозим. Шу сабабдан маҳаллий аҳолини республика ва регионал ОАВ орқали турнинг муҳофазаси ва сонини тиклаш бўйича давлат томонидан кўрилаятган чоралар ва браконьерликнинг беъмани ва шафқатсизлиги тўғрисида

хабардор қилиш бўйича иш олиб бориляпти. Матбуотда ошкор қилинган браконьерлик далиллари аҳолида ҳуқуқбузарларга нисбатан негатив муносабат шаклланишига ва уларга жавобгарликнинг адекват чораларини қўллашга жамоат назоратининг ўрнатилишига имкон туғдиради.

Халқаро лойиха доирасида мактаб ўқувчилари учун “Қозоғистон чўллари мўжисази” деб номланган ўқув қўлланма тайёрланди, ҳамда қозок ва рус тилларида қатта тираж билан нашр этилди (*Saiga News* #4 кўр.). «Казахстанская правда» газетасида 2005 й. «Акция «КП»: «Спасем сайгу» рубрикасида сайгоқни сақлаш ва тиклаш саволлари бўйича бир қатор мақолалар босилган.

РГКП «ПО «Охотзоопром» «Seimar Social Fund» хусусий қозок хайрия фонди билан биргаликда сайгоқ тўғрисида “Боқий кўчманчилар изидан” филминини, ҳамда халқаро ва мамлакат табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан биргаликда қозок, рус ва инглиз тилларида “Сайга ҳақида сага” мультипликацион филминини яратди.

ҚР ҚХВ ўрта муддатли режаси ва Дастурни бажариш доирасида 2007й. 27-29 июлда Қўмита РГКП «ПО «Охотзоопром» билан биргаликда сайгоқнинг Бетпақдала популяциясини муҳофаза қилиш бўйича рейд тадбирлари ўтказиладиган жойларга «Қозоғистон», «Хабар» ва «Астана» телекомпанияларнинг журналист ва операторлар ғуруҳини олиб чиқишни ташкил этди. Журналистлар Костанай, Актюбинск ва Караганда вилоятлари чегараларининг туташган жойида ишлар олиб бориш ҳудудини “АН-2” самолетида кўздан кечириш имкониятига эга бўлдилар; телеоператорлар сайгоқларни ҳаводан суратга туширди ва Қўмита, ўрмончилик ва овчилик хўжалиги Актюбинск вилояти ҳудудий бошқармасининг мансабдор шахслари ва “Охотзоопром” инспекторларидан интервью олдилар. Сафар якунлари бўйича телевидение учун материаллар тайёрланди.

Сайгоқни сақлаш бўйича тадбирларга нодавлат ташкилотларини жалб этиш бўйича ишлар олиб бориляпти. «Seimar Social Fund» фонди «SOS Сайга» лойихаси доирасида РГКП «ПО «Охотзоопром»нинг сайгоқни муҳофаза қилиш бўйича инспекцион гуруҳлари учун “КамаЗ” базасида 4та вахта автомашинаси, 10та “УАЗ” автомашинаси, радиостанциялар, йўлдошли телефонлар, GPS асбоблари, тунда кўриш асбоблари ва б.-ни беғараз ёрдам сифатида олиб берди. Сайгоқни сақлаш бўйича тадбирларда «Ак бокен» ижтимоий фонди ҳам иштирок этапти.

Мамлакатдан сайгоқ шохини ноқонуний олиб чиқиш каналларини бекитиш мақсадида, Қўмита томонидан божхона ва чегара хизматлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича иш олиб бориляпти.

Чора-тадбирларнинг бу комплекси сезиларли натижалар берапти, бу давлат бюджети ҳисобидан мунтазам ўтказиладиган мониторинг натижалари билан тасдиқланади. Сайгоқлар учети учта - Бетпақдала, Устюрт ва Урал популяцияларида, Қўмитанинг 2003 й. 9 апрелдаги 82-сонли буйруғи билан тасдиқланган, Қозоғистонда сайгоқларнинг авиаучети бўйича Методик кўрсатмаларга мувофиқ ўтказилади. Учет ишларида ҚР ТФВ Зоология институти ходимлари, РГКП «ПО «Охотзоопром», ҳамда ўрмончилик ва овчилик хўжалиги Караганда, Костанай, Жамбил, Қизилўрда, Актюбинск, Ғарбий-Қозоғистон, Мангистау ва Атирау вилоят ҳудудий бошқармаларининг ходимлари иштирок этади. Сайгоқ сонининг учети бўйича тадбирларни назорат қилиш мақсадида, Қўмита учет ўтказиш жойларига марказий аппарат ходимларини юборди. РГКП «ПО «Охотзоопром» ва ҚР ТФВ Зоология институтининг ҳисоботлари бўйича 2003-2007 йй. сайгоқнинг сони жадалда кўрсатилган.

ҚР ҚХВ ўрмончилик ва овчилик хўжалиги Қўмитаси томонидан қўрилатган чоралар натижасида сўнгги 4 йил ичида сайгоқ сонининг барқарор ўсиши кузатилмоқда; 2007 йилда у 54,0 минг бошни ташкил этди.

Ҳисобга олиш маълумотлари бўйича 2006 йилга нисбатан Устюрт популяцияси сонининг 1,4 минг бошга камайиши белгиланди (-7,7%). Ҳозирги вақтда бу Қозоғистон ташқарисига – Қорақалпоқстон (Ўзбекистон)га кўчиб ўтадиган ва натижада йил бўйи муҳофаза қилинмайдиган ягона популяция.

Бундай вазият сайгоқни сақлаш бўйича халқаро ҳамкорлик зарурлигини кўрсатади.

2004 й. Қўмита ва WWF сайгоқни муҳофаза қилиш бўйича ҳаракатларни ўзаро мослаш саволларини, ҳамкорлик муносабатларнинг ривожланишини муҳокама қилди ва ҳамкорлик тўғрисида Битимни имзолади. Қозоғистонда сайгоқларни сақлашга жавобгар давлат органи сифатида, Қўмита SMS Секретариати билан биргаликда 2006 й. сентябрь ойида Алмати ш. Сайгоқни сақлаш ва бошқаришга тегишли ҳамжihatлик тўғрисида Меморандумни (ХМ)имзолаган давлатларнинг Халқаро кенгашини ўтказди. Кенгашда сайгоқнинг тарқалиш ареалининг давлатлари - Россия, Ўзбекистон, Туркменистон, Хитой, Муғулистон вакиллари, ҳамда манфаатдор халқаро табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари иштирок этди. Кенгашда Меморандум Қозоғистон томонидан имзоланди.

ХМнинг самарали бажарилиши учун Қозоғистон, Россия Федерацияси, Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасида икки томонлама битимлар зарур. 2007 й. май ойида Қозоғистон Ҳукумати номидан ҚР Қишлоқ хўжалиги Вазирлиги Туркменистон Ҳукумати билан айна шундай битимни имзоланган. Сайгоқнинг муҳофазаси ва ҳисобга олиниши бўйича биргаликдаги чора-тадбирларни талаб этаётган, Ўзбекистонга кўчиб ўтадиган Устюрт популяциясининг муаммоси айниқса кескин бўлиб турибди. Шу муносабат билан, Қўмита томонидан Устюрт популяцияси сайгоқларини сақлаш бўйича икки томонлама Ҳукуматлараро битимнинг лойихаси тайёрланди; худди шундай битим Урал популяцияси бўйича Россия билан биргаликдаги ҳаракатлар учун тайёрланди. Бу ҳужжатлар ўрнатилган тартибда Россия Федерацияси ва Ўзбекистонга юборилди. Кўрсатилган битимларнинг имзоланиши 2008 йилда кутиляпти.

Битимларнинг лойиҳаларида қуйидаги саволлар акс эттирилган:



Бетпақдалада янги туғилган сайгоқча, 2008 й. баҳори.  
Оркен Шаймуханбетов сурати

#### Жадвал. 2003-2007 йилларда популяциялар бўйича сайгоқнинг сони (минг зот)

Популяция номи	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.
Бетпақдала	1,8	6,9	9,9	18,6	22,8
Устюрт	12,8	15,0	19,6	17,8	16,4
Урал	6,5	8,8	10,1	12,9	15,6
Жами	21,2	30,7	39,6	49,3	54,8



- сайгоқ ва унинг яшаш жойларининг муҳофазаси бўйича муддатли чораларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- учетлар ўтказиш, популяцияларнинг ҳолати ва қайта тикланишни кечишининг мониторингини ташкилаштириш;
- муҳофаза, сайгоқдан фойдаланиш ва овлаш маҳсулотларини савдосига тегишли қабул қилинаётган қонунчилик ва меъёрий актларнинг келишилиши;
- сайгоқнинг муҳофазаси ва ундан фойдаланиш саволлари бўйича информация билан алмашилишни амалга ошириш, барча манфаатдор ташкилот ва шахсларни жалб этиш билан қўшма кенгашлар ўтказиш.

Сайгоқларни миграция йўлларида қўриқлашнинг самарадорлигини ошириш учун Қўмита Актюбинск, Қизилўрда ва Фарбий-Қозоғистон вилоятларида алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудлар тармоғини кенгайтиришни режалаштирган. Қозоғистон Республикаси Ҳукуматининг 14.02.2007 йилдаги 109- сонли Қарори билан Актюбинск вилоятида 763549 га майдонда сайгоқларни сақлаш учун, юридик шахс мақоми билан, Иргиз-Тўрғай давлат табиий резервати тузилди, қўриқлаш хизматининг штати 66 инспектордан иборат.

Сайгоқни ва умуман, чўл биоценозларини сақлаш бўйича ишлаётган барча ташкилотларнинг тиришишини бирлаштириш учун, Қўмита ва Қозоғистон биохилма-хиллигини сақлаш Ассоциацияси (ҚБСА) томонидан, Франкфурт зоологик жамияти (FZS), Қушларни ҳимоя қилиш Қирол жамияти (RSPB) ва WWF билан биргаликда «Алтин-Дала» йирик масштаби ташаббуси бошланди (асосий мақ. кўр.). Манфаатдор ҳукумат, жамоа ва халқаро ташкилотларни кенг жалб этилиши, сайгоқнинг Бетпақдала популяцияси ареалида турли даражадаги алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудлар тармоғини тузиш, экологик йўлаклар ажратиш, уларни сақланишининг самарали тизимини йўлга қўйиш, маҳаллий аҳоли билан фаол ишлаш ва б. режалаштирилган.

### Сайгоқ питомниги – экологик таълим маркази

Федосов Виктор

«ҚР Ёввойи ҳайвонлар маркази» ДБ, [kalmaisaiga@elista.ru](mailto:kalmaisaiga@elista.ru)

Жонсиз чўлда сайгоқка ўрин йўқ. Шувоқнинг аччиқ ҳиди, суфитўрғайларнинг жаранлаган ашулалари, суғурлар чинқириғи, мовий осмонда парвоз қилаётган дашт бургутлари, антилопалар тўдалари, уя енида икки жуфт гўзал турна ... Бу чўл гўзалликларининг бирортасидан ҳам воз кечиш бўлмайти. Чўл биоценозида ҳаммаси ўзаро боғлиқ ва ортқича, муҳимроқ ёки кераксизроқ ҳеч нима йўқ. Шунинг учун, иши кўп йиллар давомида “Йирик ўтхўрлар бўйича фонд” (LHF), 2008 йилдан эса Руффорд фонди (Rufford Small Grants Foundatuion) томонидан қўллаб-қувватланаётган “Қалмоғистон Республикаси ёввойи ҳайвонлар маркази” сайгоқни сақлаш бўйича ишлар билан чекланиб қолмайди. Ҳаётнинг барча хилма-хиллигини, такрорланмас чўл ландшафтларининг сақланиб қолиши аҳамиятсиз эмас. Марказ экологик таълим бўйича дастурлар ўтказиш орқали бу масалани ечяпти.



Қалмиқ мактаб ўқувчилари Яшқўл питомнигида экскурсияда.  
Юрий Арилов сурати

Шунингдек, “Алтин-Дала” ташаббуси доирасида ҚБСА томонидан 2007й. 26-28 апрель кунлари Жезказган вилоятида сайгоқни ҳисобга олишда қўлланиладиган методикаларни баҳолаш бўйича дала семинари ташкил этилди. Унда FZSдан экспертлар д-р М. Нортон-Гриффитс (M. Norton-Griffiths) ва А.Дж. МакКонвил (A.J. McConville), Қўмита раисининг ўринбосари Х.Ш. Мусабаев, «Охотзоопром», ҚР ТФВ Зоология институти, ҚБСА, Қўмитанинг вилоят ҳудудий бошқармаларининг вакиллари иштирок этди. Семинар натижалари бўйича Қозоғистонда сайгоқ сони бўйича аниқроқ маълумотлар олиш учун, методикаларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Қозоғистон Республикаси Ҳукуматининг 2007 й. 8 октябрдаги 914-сонли Қарори билан, сайгоқни сақлаш ва қайта тиклаш соҳасида ишларнинг давоми кўзда тутилган, “Ҳайвонот олами ва сув ресурсларини сақлаш ва улардан оқилона фойдаланиш, ҳамда 2010 йилгача алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудлар тармоғини ривожлантириш Дастури” тасдиқланди. Қостанай вилоятининг жанубида янги қўриқланадиган ҳудуд - 489,0 минг га майдонли «Алтин-Дала» давлат табиий резерватини тузиш дастурда мўлжалланган.

Шундай қилиб, қозоқ ҳукумати номидан Қўмита бутун кучини бериб сайгоқ мониторинги, сақланиши ва популяцияларининг тикланишига мунтазам равишда катта маблағ сарф қилляпти. Қозоқ ва халқаро ташкилотларнинг кенг доирасини жалб этиш билан бораётган иш сезиларли натижаларини берди – сайгоқ сони стабиллашди ва усаепти. Қўмита ва унинг қозоқ шериклари, шу жумладан ҚБСА, бу турнинг сақланишида манфаатдор бўлган барча ташкилот ва шахслар билан ҳамкорликка очик.





“Бизнинг тирик меросимиз – сайгоқни сақлаймиз” буклет ва брошюралари нашр этилган. Экотуризм экспозицияларни кенгайтиришни талаб этади. Шунинг учун Яшқўл питомнигига янги хайвонлар олиб келиняпти. Икки йил аввал Марказга учта ёввойи чўчка боласи берилган эди. Кичкинтойлар катта бўлди ва баҳорда тўнғизлар оиласида кўпайиш кутилмоқда. Бўғоз чўчка учун зудлик билан вольера куриляпти. Ургочи буйволда ҳам бузоқча туғилиши кутиляпти. Ўтган йили эса питомникда бўталоқ туғилди. Эндиликда чўлда 4та туядан иборат пода кўчиб юрибди. Аввал хайвонлар ўзлари катта бўлган фермага кетмоқчи бўлди. Бироқ, чорвадорларнинг ғамхўрлиги туфайли, улар янги яшаш жойига секин ўрганди. Ҳатто, туялар чўлда тунаганда ҳам, марказ ходимлари унча ҳавотир олмайди. Пода узокка кетмайди ва ўзини йирткичлардан химоя қила олади.

Ҳозирги вақтда питомникда кушлар учун катта вольералар куриляпти. Учта биринчи туякуш сотиб олинди. “Ёввойи хайвонлар маркази” кушларнинг бошқа турларини ҳам кўпайтирмоқчи. Ярадор ва касал хайвонлар учун госпиталь жиҳозланади.

Шундай қилиб, сайгоқ питомниги экоманрифат, ҳамда чорвачилик ва паррандачиликнинг анъанавий бўлмаган объектларини кўпайтириш пропагандасининг жойи бўлиб қоляпти. Бу соҳаларнинг ривожланиши қишлоқ аҳолисининг фаровонлик даражасини оширади ва бу ўз навбатида браконьерликни қисқарилишини осонлаштиради. Умид қиламиз, ёввойи хайвонлар тутқинликда муваффақиятли кўпаяди ва бизларда уларни табиатга чиқариш учун имконият туғилади.

## Ўзбекистонда Орол денгизининг шарқий соҳилида сайгоқ популяциясини сақлаш масаласига

*Косбергенов Максет*

ЎЗР Давтабқўмита Ихтисослашан Амударё инспекцияси [epromakset@mail.ru](mailto:epromakset@mail.ru)

Бу йил қаҳратон совуқ ( $-35^{\circ}\text{C}$  гача) бўлгани туфайли сайгоқни овлашга браконьерларнинг имкони бўлмади. Илгари браконьерлар ҳеч қачон сайгоқларни кўзилаш даврида отмас эди, улар кузда, семирган вақтида овланарди. Ҳозир гўшт нархининг умумий ошиши сабабли, сайгоқ ови кўзилаш даври билан бирга ҳамма вақт олиб бориляпти. Бу даврда сайгоқлар энгил ўлжа бўлиб қоладилар, чунки улар деярли катта бўлмаган ҳудудда жамланиб браконьерлар учун заиф бўладилар. Браконьерлар ҳам сайгоқ гўштини жойида тузлаб, тайерлайди, ҳам сайгоқларни ушлайди. Чегаранинг икки тарафидаги бадавлат одамлар, бир жуфти 200 доллардан, сайгоқчаларни буюртма қиляпти, бунинг устига, талаб йилдан йилга ўсиб борапти.

Сайгоқларнинг унча катта бўлмаган группировкаси (2004 йилга 1000 бошга яқин) Ўзбекистонни Мўйноқ ва Тахтакўпир туманларининг Қозоғистон Қизилўрда вилоятининг чегарасигача бўлган ҳудудда, саксовулзор билан кам мустаҳкамланган кумларда яшайди. Кўрсатилган ҳудудлар деярли аҳолисиз, бу ерда нефть ва газ қазиб олиш ишлари олиб борилмайдиган, энг яқин аҳоли пунктга узок.

Орол денгизининг шарқий соҳилида типик бўлмаган жойларда сайгоқнинг пайдо бўлишига бир нечта тахминий фикр бор. Биринчиси – бу Қизилўрда сайгоқлари. Бу тахминий фикр асоссиз, чунки Қизилўрда вилоятининг кўп аҳолилик районларидан сайгоқларни ўта олганлиги эҳтимолдан узок. Иккинчи тахминий фикр – сайгоқлар Возрождение оролидан қишда музлаган туб устидан келган. Бундай бўлиши мумкин, бироқ бу фикр қўшимча ўрганишни талаб этади. Сайгоқлар Устюрт чинкидан тушган деган учинчи тахмин эҳтимолга яқин. Сайгоқлар шиддатли, совуқ шамолни жуда емон кўради. Ҳатто чуқур қор ҳам бунчалик сайгоқларни хайдамайди ва нобуд қилмайди. Бизнинг кўп йиллик маълумотларимиз сайгоқлар совуқ шамолдан ҳар қандай пана жойга, шу жумладан бетон қудуқлар ва ташлаб кетилган газ трубаларига бекинишини (биз сайгоқнинг етиб қолиш жойларининг кўп сонли излари ва музлаб қолган жасадларини топганмиз) тасдиқлайди.

Саксовулзорлар шамолдан бекинишга яхши пана жой сифатида ва етарли озика мавжудлиги билан сайгоқларни ўзига жалб этади. Орол денгизининг шарқий соҳилидаги паст-баланд кумлар хайвонлар учун типик эмас, бироқ бу ерда сайгоқларнинг унча катта бўлмаган группировкаси сақланиб қолган ва бир неча йил давомида кўпаймоқда. Бу группировканинг аниқ сонини белгилаш учун, учетлар ўтказиш зарур. Нима учун сайгоқлар ўзларига хос бўлмаган жойларда омон қола олдилар? Чучук сувнинг мавжудлиги (Кўк-дарё кўлоби), аҳоли пунктларидан узоклиги (энг яқин қишлоқ 150-200 км да жойлашган), кишки пана жойлар ва йўлсизлик бунинг асосий сабабларидан бўлади.

Бу ҳудудда сайгоқ овининг спецификаси шундан иборатки, овчилар, ҳамда нимта ва сайгоқчаларни йиғувчилар бошқа-бошқа машиналарда юради, шунинг учун кўпинча уларнинг жиноий ўзаро боғлиқлигини исбот қилиш жуда қийин. Сайгоқ ва унинг боласига ов қилувчи криминал, даромадли ва деярли жазосиз – браконьерлик структурасининг ташкил топиб, кучайётгани тўғрисида ишонч билан айтиш мумкин. 2008 йилнинг фақат май ойида ўтказилган иккита рейдда АИА (Ихтисослаштирилган Амударё инспекцияси, юкор. қар.) инспекторлари томонидан Тахтакўпир туманида сайгоқнинг кўзилаш жойларида иккита автомобилда қуролланган 7 киши ушлаб қолинди ва уларга жарима солинди. Бироқ уларнинг сайгоқ овига дахлдорлигини исботлаб бўлмади, чунки нимта ва сайгоқчаларни олиб кетаётган ва мобил рациялар билан жиҳозланган учта тезюрар машина Қозоғистоннинг чегарадош ҳудудига кетишга улгурди. Атрофни яхши билишидан ва Қозоғистонда яқин қариндошлик алоқаларидан фойдаланиб, браконьерлар таъкиб қилувчилардан осон чегара ортига қочиб яна қайтиб келиши мумкин. Шунга қарамай, браконьерларга уруш эълон қилинди, қонун сайгоқ химоячилари томонида ва энгил ўлжа “ишқибозлари” жазосиз қолмайди.

## Сайгоқнинг Европа популяциясида альбинизм тўғрисида

*Манджиев Х. Б., Моисейкина Л. Г.*

*Калмиқ давлат университети, [kalmsaiga@elista.ru](mailto:kalmsaiga@elista.ru)*

Бошқа кўпгина хайвонлар каби, сайгоқ учун ҳам альбинизм ҳоллари тавсифланган. Альбинизмнинг сабаби организмда меланин-пигментлар (грекча «melanos»-қора) ишлаб чиқилмаслигида. Маълумки, куёш спектри нурларининг катта

қисмини ўзига сингдира оладиган меланинлар терини куёш радиациясининг ортиқчаси, шу жумладан ультрабинафша нурларидан химоя қилади. Кўриш ва эшитиш каби сезги аъзоларининг нормал ишлаши учун ҳам меланин зарур.

Альбинос-хайвонларнинг ўзгача кўриниши турли халқларда кўпгина афсона ва ривоятлар келтириб чиқарган. Қадимги замонда калмиклар оқ сайгоқ кўринишида “Чўл эгаси” ёки “Оқ мўйсафид” келишига ишонишган. Ким бундай сайгоқни ўлдирса, ўзининг бошига бало орттиради. Бироқ, агар бу ривоятларнинг тагида асоси бўлса ҳам, уларда альбинослардан кўра оқ тусдаги хайвонлар ва қисман альбинослар тўғрисида гап кетган. Тўлиқ альбинослар эса ўзининг кўпчилигида суст яшовчанлиги билан ажралиб туради ва эволюция йўлида шафқатсиз бракка чиқарилади, шунинг учун омон қолиб насл бериш ҳаммасига ҳам насиб этмайди.



Х.Манджиев «оддий» сайгоқча ва альбинос-сайгоқча билан.  
Ю. Аршлов сурати

Маскировка туси бўлмаган ва ўз туридан кескин ажралиб турган альбинос-хайвонлар йирткичларнинг оширилган эътиборини ўзига тортади. Шунингдек, ташқи кўриниши жуфтлашишда ҳам катта роль ўйнайди. “Туси кетган” альбинос-эркаклари интенсив бўлган эркакларини афзал кўрган ўз тури урғочиларининг ихлосини олиши даргумон.

Адабиётдаги маълумотлар бўйича альбинослар катта ешгача яшамайди. Фақат бир марта қалмиқ популяциясида 1976й. овлаш даврида 1,5 ёшдаги урғочи-альбинос учраган хол аниқ. (И.А.Погодин, о.м.). Афтидан, сайгоқларда бу мутациянинг яшовчанликка катта аҳамияти бор. Шунингдек, ўлик альбинос-сайгоқчаларни учратиш ҳоллари баён қилинган. Янги туғилган сайгоқчаларнинг вазни кичкина бўлган (ўртача қиймати эркагининг 3,38 кг ва урғочисининг 3,17кг бўлганда, уларнинг вазни мос равишда 2,25 ва 1,7 бўлган). Бундай вазлик сайгоқчалар элиминациясининг эҳтимоли 0,8ни ташкил этади.

2007й. май ойида альбинос-сайгоқчани учратдик. Ўзимизнинг ёнимиздан 700 метр нарида, ундан ҳар томонга еши катта урғочилар қочиб кетаётган оқ доғни кўрдик. Ёнига яқинлашганда, ўтлар орасида бекиниб олган, қуриб қолган киндик ичакчасига қараганда, 2-3 кунлик урғочи-сайгоқчани кўрдик. Сайгоқчанинг вазни 2,4 кг, узундиги 55 см эди, ҳолбуки бу ешдаги урғочиларнинг кўрсаткичлари мос равишда 3,46 кг ва 61,14 см ни ташкил этади. Топилган сайгоқчани кўздан кечиришимиз тўлиқ альбинизм ҳоли учраганини кўрсатди. Еш урғочи кўзининг рангли пардасида пигмент йўқ эди, шу сабабдан унинг кўзлари кизилга ўхшарди. Туёқлари ҳам пушти рангда эди, ваҳоланки оддий сайгоқчаларники қора бўлади. Думғазасининг устидаги тўқ йўли ҳам йўқ эди (сурат. қар.).

Шунингдек, биз яна бир альбинос-сайгоқчани кузатдик, унинг ёши ва жинсини аниқлай олмадик.

Умуман олганда, кўзилаш даврида альбинослар учрашининг частотаси тахминан 1:5000-10000 (Проняев, Рожков, 1988). Бироқ бизнинг ҳолда альбинослар учрашининг частотаси юқори бўлиб, кузатилган 8 минг сайгоқчага 2та альбиносни ташкил этди. Катта сайгоқлар орасида битта ҳам альбинос топилмади. Сайгоқни, айниқса, урғочисига нисбатан, қиммат бўлган шохи учун танлаб қирилатган эркаги сонининг қисқарилиши, яқин қариндошлар орасидаги чатишувга олиб келиши мумкин. Бизнинг тахминимизча, альбинос-сайгоқларнинг пайдо бўлиши, айнан шу омил билан шартланиши мумкин.

## Лойиҳалар шарҳи

### Муғулистонда сайгоқни сақлаш бўйича WWF лойиҳаси

2007 йил ноябрь ойида МАВА томонидан маблағ билан таъминланаётган сайгоқ бўйича WWF-Муғулистон янги йирик лойиҳаси бошланди. Мониторинг олиб бориш мақсадида, инспекторлар ва маҳаллий аҳолини ўқитишни, овчилик қоидалари бўйича мавжуд бўлган қонунчиликка тузатишлар тайёрлашда ҳукуматни жалб этишни ҳисобга олганда, у маълум натижаларга эришди.



Ижтимоий сўровларда жамоа чўпонларининг иштироки.  
Б. Чимеддорж сурати

Кўшимча равишда, жамоатчиликни жалб этиш бўйича дастур бошланди, шу жумладан маҳаллий мактабларда олтига эко-клуб тузилиши ҳам. Асосий ўзгариш қонунчилик базасига тегишли бўлди ва бу ўз натижаларини олиб келди; браконьерликка қарши команда 2007й. ноябрида сайгоқ урғочиси ва учта кулани ва 2008й. март ойида битта илвирсни отиб олган браконьерларни ушлаб қолди.



Болалар эко-клуби таълим дастурининг қисми сифатида.  
Б. Чимеддорж сурати



Рейнджерлар командаси.  
Б. Чимеддорж сурати

## "Степной" заказнигининг фаолиятида янги йўналиш



Табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларида маҳаллий аҳолининг иштирокисиз ёввойи табиатнинг қар қандай турини, шунингдек узок вақт давомида кенг овланган сайгоқ каби, ноёб турни сақлашнинг иложиси йўқ. Шимоли-Ғарбий Каспий олдида Астрахан областининг "Степной" Заказниги сайгоқлар учун энг муҳим худудлардан бири бўлади. Заказник ходимлари уларга топширилган худудда кечаю кундуз ва йил бўйи жуда қийин ва хавфли посбонлик қиладилар, сайгоқ мониторингини ўтказадилар, илмий изланишларда иштирок этадилар. Сўнгги йилларда улар фақат сайгоқ муҳофазасидагина эмас (ушбу худудда бирорта браконьерлик ҳолати қайд этилмади), балки бу районнинг барча ноёб биологик хилма-хиллигини муҳофазасида ҳам катта муваффақиятларга эришдилар. Заказник худудида бундай ишончли муҳофаза ўрнатилиши фақат область ва район раҳбарларининг эмас, балки PTES, IFAW, LHF каби хомийларимизнинг ердами туфайли мумкин бўлди.

Охириги вақтда Заказник ходимлари ўз фаолиятини кенгайтириб, муҳофаза қилиш тадбирларидан ташқарига чиқишни қарор қилдилар. Сайгоқни сақлаш бўйича Альянсдан олинган кичик грант туфайли, Заказникда келувчиларга (бу эса ҳам ўқувчилар, ҳам студентлар, ҳам Астрахан области раҳбарияти, ҳам Россия ва чет давлатларнинг турли муассасаларидан олимлар) Шимоли-Ғарбий Каспий олди худудида катта бўлмаган "тинчлик оролчаси"нинг табиати билан мукамал танишишга, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси

тўғрисида маълумот олишга, табиатимизни сақлаш учун ҳар биримизнинг қўлимиздан нима келишини яхшироқ тушинишимизга имкон берадиган экологик сўқмоқ жихозланди. Заказник худудида дам олиш ва суҳбат қуриш жойлари жихозланган, сайгоқлар мунтазам келиб турадиган қудуқлар тозаланган, йирткич қушлар учун сунний уялар қилинган. Экологик таълим ва маърифат бўйича ишлар кенгайтирилади ва такомиллаштирилади. Қўшимча маълумот учун [limstepnoi@mail.ru](mailto:limstepnoi@mail.ru), А.В.Хлудневга мурожаат қилинг.


Бу ҳоллар ҳуқуқни химояловчи органлар томонидан текширилмоқда. 2007 йилнинг октябрь ойида 2006 йилда содир бўлган, 54 сайгоққа браконьерлик бўйича ишни суд такрорий кўриб чиқишга олди. WWF-Муғулистон биринчи ишни эътиборсиз қолдирган, шу ерли судьяларга қарши иш бошлади ва бу уларни нопрофессионал ҳаракати учун истеъфога чиқишига олиб келди. 2008 йилнинг январида ўтказилган популяцион учётларда сайгоқ сони 13 000 км<sup>2</sup> майдонда 3 240 бошга баҳоланди. Сайгоқ сонининг кўпайиши 2007 йилга нисбатан 11,8%ни ташкил этди. Ушбу шарҳ лойиҳанинг фақат асосий томонларини кўрсатади – WWF-Муғулистон фаолияти бўйича тўлиқ ҳисоботни SCA вебсайтида олишингиз мумкин. Қўшимча маълумот учун [chimeddorji@wwf.mn](mailto:chimeddorji@wwf.mn). Б. Чимеддоржга мурожаат қилинг.

тўғрисида маълумот олишга, табиатимизни сақлаш учун ҳар биримизнинг қўлимиздан нима келишини яхшироқ тушинишимизга имкон берадиган экологик сўқмоқ жихозланди. Заказник худудида дам олиш ва суҳбат қуриш жойлари жихозланган, сайгоқлар мунтазам келиб турадиган қудуқлар тозаланган, йирткич қушлар учун сунний уялар қилинган. Экологик таълим ва маърифат бўйича ишлар кенгайтирилади ва такомиллаштирилади. Қўшимча маълумот учун [limstepnoi@mail.ru](mailto:limstepnoi@mail.ru), А.В.Хлудневга мурожаат қилинг.



"Степной" Заказнигидаги экологик сўқмоқнинг схемаси. А.Хлуднев сурати

## Лондон Имперал Колледж лойиҳалари бўйича янгиликлар



Олдинги ишларимизнинг мантиқий давоми бўлган ва Дарвин Ташаббуси томонидан қўллаб-қувватланган, Қалмоғистонда ўтказилаётган "Сайгоқни сақлаш жараенига жамоатчиликни жалб этишга ёндашишларни баҳолаш" бизнинг иккинчи лойиҳамиз 2007 йил 31 декабрда ниҳоясига етди. Бу лойиҳа жамиятнинг турли қисмлари, шу жумладан мактаблар, будда ибодатхоналари, экологик маориф марказлари, маҳаллий бошқарув органлари ва сайгоқни сақлаш соҳасида ишлаётган мутахассислар орасида алоқани ривожлантириш билан шуғулланган. Шунингдек, табиатни муҳофаза қилишдаги ҳаракатларимизнинг, уларни инсонларнинг сайгоққа бўлган муносабатига таъсир қилиши жиҳатидан, самарадорлиги баҳоланди. Агарда бу изланишнинг натижалари бор якуний ҳисоботни олмақчи бўсангиз, бизлар билан электрон почта орқали уланинг. 2008 йилнинг давомида биз Давлат Қалмиқ университети билан биргаликда Британ Кенгашининг BRIDGE дастури бўйича ишлаяпмиз. "Маҳаллий аҳолининг

иштирокида сайгоқ экологиясининг мониторинги" лойиҳасининг мақсади Буюк Британия ва Россия университетлари орасида алоқа ўрнатишдан иборат. Қўшма илмий-текшириш лойиҳалари бўйича ҳар бир университетдан 2тадан талаба ишлаяпти. Лойиҳаларнинг биринчиси маҳаллий аҳолининг кучи билан сайгоқ мониторингини олиб бориш имкониятини ўрганади. Бошқаси табиатни муҳофазаси ва фан учун маълумотларнинг максимал аҳамиятини кафолатлаш учун, "Черные Земли" Биосфера қўриқхонаси ва "Степной" заказникларининг базасида олиб бориляпти ва сайгоқ ҳолатининг узок муддатли мониторингини яхшилашга қаратилган. Қозоғистон Зоология Институтини ва бошқа ҳамкорлар билан биргаликда ландшафт типига боғлиқ ҳолда, сайгоқнинг кўп йиллик тарқалишини ўрганиш бўйича янги лойиҳа бошламоқчимиз (2008 йилнинг сентябрида). Бу лойиҳа Leverhulme Trust ва Royal Society of London (Лондон Қирол Жамияти) томонидан маблағ билан таъминланади. Қўшимча маълумот учун [e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk](mailto:e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk), Э.Дж. Милнер-Гулландга мурожаат қилинг.

## Мен тўғримда эртақ айтиб бер

Мана бир неча йилдан бери Сайғоқни сақлаш бўйича Альянсининг ўзбек командаси WCN молиявий ердамида Устюрт болалари учун таълим дастурини ўтказди. Сайғоқни сақлаш бўйича дастурга сайғоққа браконьерлик даражаси юкори бўлган, Жаслик ва Қорақалпоқ қишлоқларида жойлашган учта мактабнинг ўқитувчилари, ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари фаол киришдилар. Шунингдек, биз учун янги бўлган, Устюрт платосининг шарқий чинкидаги узок, одам оёғи етиши қийин бўлган районда жойлашган, Кубла-Устюрт поселкаси ўқувчиларини жалб этиш ҳисобига дастуримизни кенгайтирдик. Жорий йилнинг март-апрель ойларида мактабларда сайғоққа бағишланган спектакллар кўрсатилди. Намойишдан олдин болалар, педагоглар ва ҳатто ота-оналар ижодий ишладилар. Болалар сайғоқларга бағишланган эртақ, новелла ва шеърлар ёздилар. Уларнинг энг яхшилари жюри томонидан ажратиб олинди ва сайғоқ тўғрисида спектакллар сценарийларини яратишда ишлатилди.



Жаслик п. сайғоқ тўғрисида спектакль. А.Есупов сурати

Мактаблар тайерлаган намоийшлар бир бирига ўхшамасди. Барча костум ва декорацияларни болаларнинг ўзлари тайерлаган. Масалан, Қорақалпоқ п. 56-сонли мактабида болалар кўғирчоқ театрини кўрсатдилар, бунда кўғирчоқдан бошлаб сайғоқ ҳаётини сахна тасвирлари тикилган пардаларгача болаларнинг қўли билан қилинган. Болалар сайғоқ ва унинг чўлда яшовчи бошқа ҳайвонлар билан муносабатлари, ҳамда яқинда яшовчи инсонлар ҳақида қисқа афсонавий ҳикоялар кўрсатдилар. Қорақалпоқ п. 26-сонли мактаб болалари браконьерлар қўлидан сайғоқчани қутқараётган жасур болалар ҳақида деярли детектив сюжетни ижро этдилар. Жаслик п. 54-сонли мактабининг намоийши жонли мусиқа, рақс, ашула ва шеърлар билан ҳақиқий байрамга айланди. Болалар ёзган ҳикоялар кизиқ ва истеъдодли, чуқур мазмун, ҳамда маҳаллий фолклор ва



Қорақалпоқ п. Кўғирчоқли намоийшнинг репетицияси. А.Есупов сурати

анъаналарга бой эди. Афсуски, уларнинг ҳаммаси ҳам болалар спектаклларининг сюжетига кирмади. Кейинги йилда ишимизни давом эттириб, педагоглар билан биргаликда Ўзбекистон болалари ёзган, сайғоқ тўғрисидаги эртақлар китобини нашр этишга тайерлашни режалаштирдик. Биз ишонамизки, бу сайғоққа ва умуман она юртимизнинг табиатига тўғри муносабатни шакллантиришга ердам беради, ёшларнинг ижодий ривожланиши учун кучли рағбатлантирувчи омил бўлади, ҳамда катталар – ота-она, ака-опаларнинг сайғоққа бўлган муносабатини ўзгартиради ва улар сайғоқни фақат анъанавий овлаш объекти деб эмас, балки миллий бойлик ва маҳаллий маданиятнинг қисми деб биладилар. Қўшимча маълумот учун [esipov@sarkor.uz](mailto:esipov@sarkor.uz) Е.Бикова ва А.Есуповга мурожаат қилинг.



Кубла-Устюрт п. ғолибларни мукофотлаш. А.Есупов сурати

## Анъанавий кашта тикиш Устюрт аеллари учун қўшимча даромад манбаи сифатада

2008й. апрелида Сайғоқни сақлаш бўйича Альянс “Оролнинг олтин мероси” НПО билан биргаликда Устюрт (Ўзбекистон) аелларини анъанавий қорақалпоқ каштасига ўқитиш бўйича дастур бошлади. Бу дастур WCN молиявий кўмагида ўтказилди. Унинг мақсади, сайғоқнинг яшаш жойларига яқин бўлган аҳоли пунктларидаги аелларнинг қўшимча даромад олиши орқали, сайғоқнинг муҳофазасига кўмаклашиш. Сир эмас, айнан аел-бекалар оиланинг маънавий ва молиявий стратегиясини белгиладилар. Нисбий арзонлиги учун маҳаллий аҳоли орасида унга талаб катта бўлган, сайғоқ гўштининг ҳаридорлари ҳам аеллардир. Ўзбекистондаги

Қадим зомондан регионда бой кашта билан безатилган миллий кийим ва уй анжомлари орқали ҳалқнинг ўзига хослигини ифодалаган, ноёб ва жуда колоритли моддий маданият ривожланган. Ипак билан қўлда тикилган кашта чуқур маного эга бўлиб, табиат ва инсон ҳаётини акс эттирган. Каштадўз-чеварлар ҳайвон ва ўсимликлар тасвирини стилизациялаган, йил мавсумларини ўзгариши ва одамларнинг анъанавий яшаш тарзини кўрсатганлар. Эҳтимол, бундан яхши бажарилган, расми ва рангини танлаш бўйича ўзига хос каштани топиш қийиндир.



Бу лойиҳанинг амалга ошиши мураккаб жиҳоз ва катта маблағ сарифлашни талаб этмайди, деярли ҳар қандай, фантазияси бор ва сабрли аёл бу билан уйда шуғилланиши мумкин. Биринчи лойиҳа Жаслик поселкасида ўтказилди ва 1 йилга мўлжалланган. Бизлар тренинг ўтказиш учун хона тайёрладик, ўқишга қизиққан аёллар гуруҳи тўпланди, жойдаги раҳбар аниқланди, кашта техникаси бўйича биринчи дарслар ўтказилди ва керакли сифатда биринчи маҳсулот ҳам олинди. Кейинчалик каштанинг кийинроқ элементларига ўргатиш давом эттирилади ва маҳсулот синаб кўриш учун сотилади. Сайғоқни сақлаш ғоясининг пропагандаси мақсадида, унинг стилизацияланган образини ишлаб чиқиб, ундан фойдаланишни режалаштирганмиз. *Қўшимча маълумот учун [esipov@sarkor.uz](mailto:esipov@sarkor.uz), Е.Бикова ва [altyn1@rol.uz](mailto:altyn1@rol.uz), Г.Ембергеновага мурожаат қилинг.*



Жаслик пос-да анъанавий кашта тикишнинг биринчи сабоқлари.  
А.Есупов сурати



### Ўзбекистонда сайғоқ учун ҚТХни баҳолаш бўйича янги лойиҳа бошланди

Ўзбекистонда “Сайғоқли” заказниги бор, бироқ у фақат “қоғозда”гина мавжуд. Унинг мақоми қайта кўриб чиқилиб, мақсадлари аниқланиши керак. ҚТХни режалаштирганда биохилма-хилликни сақлашнинг турли методларини ўрганиб чиқиш, ҳамда регионни ривожланиши ва Устюртда биологик турларнинг узок муддатли сақланиши ўртасида мувозанатни топиш зарур. Янги ҚТХ маҳаллий аҳолининг бевосита иштирокида фаолият кўрсатиши кераклиги ҳам муҳимдир.

“Сайғоқли” заказниги маҳсус сайғоқнинг кўзилаш жойларини кўриқлаш учун 1 млн. га майдонда 1991 йилда ташкил этилган. Штати, инфраструктураси, транспорти ва ҳ.к. бўлмагани учун, кўриқланадиган ҳудуднинг бу шакли ишламаяпти. Атрофидаги маҳаллий аҳоли заказник тўғрисида маълумотга эга эмас. Шу сабабларга кўра “Сайғоқли” заказнигини ҚТХнинг самаралироқ шаклига қайта ташкил этиш зарур. 2008 й. апрелида Сайғоқни сақлаш бўйича Альянс, ЎЗР ФА Зоология институти ва Fauna & Flora International, Disney Wildlife Foundation ва WildInvest молиявий кўмагида, заказникни ҚТХнинг қатъийроқ шаклига қайта ташкил қилиш учун асос тайёрлаш бўйича лойиҳа бошладилар. Лойиҳа командаси бу лойиҳага “Қоғоздаги ҚТХ”ни Ўзбекистонда сайғоқнинг ҳудудий химояси учун актив механизмга ўзгаришининг биринчи босқичи ва сайғоқнинг кўзилаш жойлари ва унинг миграция



Заказникнинг синдирилган ёрлиги енида.  
А.Есупов сурати

йўллариининг самарали муҳофаза қилинишига Устюртда кўриқланадиган ҳудудлар трансчегара тизимини тузиш учун дастлабки шарт сифатида қарайди. *Қўшимча маълумот учун [esipov@sarkor.uz](mailto:esipov@sarkor.uz), А.Есупов ва Е.Бикова, ҳамда [Richard.Allcorn@fauna-flora.org](mailto:Richard.Allcorn@fauna-flora.org), Р.Олкорнга мурожаат қилинг.*

## Янги нашриётлар

*Б. Д.Абатуров.* Россияда сайгоқ популяцияси ва уни сақлаш муаммолари. Россия Фанлар Академиясининг Хабарномаси, 2007, 77 том, № 9. 785-793 б.

Мутахассислар учун аниқ, табиатни муҳофаза қилиш фаолияти, мураккаб комплекс тизим каби табиат қонунларини чуқур билиш ва фундаментал тадқиқ этилишига асосланиши керак. Амалда эса, бу ёндашишдан оғишлар истисно эмас, қоидадир. Муаллиф сайгоқ сони динамикасининг таҳлили мисолида, фаунани ҳар қандай турининг муҳофазаси фақат бевосита унинг ҳимоясини эмас, балки яшаш муҳитни сақлаш бўйича ўзаро боғлиқ бўлган чоралар тузимини амалга ошириш ва инсоннинг хўжалик фаолиятини тартибга солишни ҳам кўзда тутишини кўрсатади.

*Н.Ю. Арилова.* Россияда сайгоқни сақлаймиз! Экология ва ҳаёт, № 1(74), 2008. 60-65 б.

Бугун сайгоқ тақдирини қил устида турибди. Овланишининг умуман тақиқланишига қарамай, фақат охриги 10 йил ичида Қалмоғистонда сайгоқ сони 90 %га қисқарди. Маҳаллий аҳоли ва мутахассисларни сўроқлаш натижаси бўйича браконьерлик, яшаш жойларининг ўзгариши, миграция йўлларидаги тўсиқлар, бўрилар, чўл ёнғинлари - бу ҳолатнинг сабаблари бўлади. Бироқ сонини камайтиришни асосий сабаби ва унинг тикланиши йўлидаги тўсиқ – браконьерлик. Муаллиф томонидан ҳам халқаро, ҳам миллий даражадаги сайгоқни сақлаш бўйича турли ташаббус мисоллари келтирилган ва бу ноёб турнинг ҳимоясига барча маҳаллий аҳоли, ихтисослаштирилган табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлари туришидагина сайгоқни сақлаш мумкинлиги таъкидланган.

*Г.А.Клевезаль.* Сут эмизувчиларнинг ёшини аниқлашнинг қоида ва методлари. Москва: Т-во научных изданий КМК, 2007. 283 б.

Китоб китобхонларни сут эмизувчиларнинг ёшини аниқлаш асосий методлари билан таништиради. Китобнинг биринчи қисмида ҳайвонлар ёшини аниқлашнинг барча асосий методлари ҳар бирининг афзалликлари, камчиликлари ва қўлланиш жараенини кўрсатган ҳолда тавсифланган. Асосий эътибор тирикликда ёшини аниқлаш методига қаратилган. Иккинчи қисмда сут эмизувчиларнинг 100дан ортиқ тури, шу жумладан сайгоқнинг ҳам ёшини аниқлашга имкон берадиган аниқ маълумотлар келтирилган.

## Эълонлар

### 2008 й. SCA кичик грантлар дастури



2008 йилда Ёввойи табиатни сақлаш бўйича тармоқ(WCN)нинг кўмагида Сайгоқни сақлаш бўйича Альянсининг Кичик грантлар дастури ўтказилиши тўғрисида мамнуният билан хабар берамиз. Бошқачасига маблағ билан таъминлаб бўлмайдиган, сайгоқни сақлаш бўйича қисқа муддатли кичик лойиҳаларни бажарилишига имкониятлар яратиб бериш - дастурнинг мақсади.

Тўғри келадиган лойиҳалар:

- Сайгоқни табиий шароитда (тутқинликда эмас) сақлашга қаратилиши
- Сайгоқ ҳолатига тўғри ва аниқ таъсир кўрсата олиши
- Максимал давомийлиги 1 йил(2009 й. ноябрь ойининг охири )гача бўлиши
- Бюджети 1 000 ва 2 000 АҚШ доллари орасида бўлиши
- Катта лойиҳанинг кичик қисми бўлмай, мустақил бўлиши
- Сайгоқни сақлаш бўйича Альянс ҳимоясида бажарилиши ва унинг Низомидаги моддалар ва унда кўрсатилган ҳисобот бериш талабларига жавоб бериши керак.

Кўпроқ маълумот ва талабнома(заявка) шаклини [www.saiga-conservation.com](http://www.saiga-conservation.com) сайтида ёки электрон почта орқали [esipov@sarkor.uz](mailto:esipov@sarkor.uz) ва [saigaconservationalliance@yahoo.co.uk](mailto:saigaconservationalliance@yahoo.co.uk) да олишингиз мумкин. Талабнома топширишнинг охириги муддати 2008й. 30 сентябрь. Лойиҳа давомийлиги 2008й. 15 ноябрдан бошлаб 1 йил.



«Степной» заказникда сайгоқлар, Россия. А. Луцкеина сурати

## SCA сайғоқни сақлаш бўйича ХМнинг бажарилиши тўғрисида

Сайғоқни сақлаш бўйича ХМнинг бажарилиши бўйича 2008й. январь-июлга CMS ҳисоботи

SCA учун Э.Дж. Милнер-Гулланд томонидан тузилган

### Реферат

Ҳисобот даврида сайғоқни сақлаш соҳасида жиддий юксалишга эришилди. Ҳисоботларнинг стандарт ва сифати ҳам анча яхшиланди, бу эса ютуқлар мониторингини самаралироқ ўткази олишимизни билдиради.

Сайғоқ бўйича фаолиятни маблағ билан таъминлашни давом эттираётган ва янги фондлар кўмагида Ўзбекистонда ва Қалмоғистонда бир нечта янги лойиҳалар бошланди. МАВА молиявий кўмагида Муғулистонда бир нечта, айниқса бу бркаконьерликка қарши фаолиятга ва жамоатчиликни жалб этишга тегишли йўналишлар бўйича, ҳаракатларни бажарилишига олиб келган, WWF-Муғулистон томонидан бошқарилаётган янги лойиҳа бошланди. Хитойда янги қонунчилик сайғоқ шохи захирасидан фойдаланишнинг назоратини кучайтирди. Қозоғистонда сайғоқни сақлаш бўйича фаолият давом этапти. Ҳисобот даврида Туркманистонда қилинган ишлар бўйича маълумот йўқ.

Ўрта муддатли дастурнинг баъзи бир бандлари бўйича ушбу ҳисобот даври ёки бошқа ҳисобот даврларида етарлича фаоллик белгиланмапти; бу қизиқиш уйғотади, айниқса А1 (муддатли ва энг муҳим) деб белгиланган чоралар бўйича. Бу ҳаракатлар ҳали ҳам муҳим бўлиб қоладими ёки йўқми аниқлаш зарур, агарда муҳимлигини йўқотмаган бўлса ХМнинг кейинги учрашувига уларни бажарилишига диққат-эътиборни қаратиш керак. Амалда ҳеч қандай ўзгариш кўрсатилмаган А1 энг муҳим ҳаракатлар:

*Ҳаракат 1.1.* ХМнинг Россия томонидан имзоланиши.

*Ҳаракат 3.1.* СИТЕС тавсияларига мувофиқ, Россия ва Қозоғистон томонидан конвенция низомларини бажарилишини кучайтириш ва экспортга мораторийни кучайтириш.

*Ҳаракатлар 9.1/14.2.* Муғулистонда кўпайтириш учун имкониятлар яратиш.

*Ҳаракат 11.2.* Урал популяциясининг яшаш ареалида ижтимоий фикрни шакллантириш ва аҳолини жалб этиш.

*Ҳаракат 11.3.* Урал популяцияси учун сайғоқни сақлаш бўйича чора-тадбирларни режалаштириш.

Ўрта муддатли дастурда А1 деб белгиланган бошқа ҳаракатлар ареалнинг баъзи давлатларида маълум прогрессга эга бўлди. Умуман олганда, ХМни имзолаган давлатларнинг кейинги учрашувига ўрта муддатли дастурнинг бажарилиши бўйича маълум юксалиш белгиланди. Тўлиқ ҳисобот [www.saiga-conservation.com](http://www.saiga-conservation.com) да жойлаштирилган. Илтимос, 2008 йил июль-декабрь даврига ҳисоботни бизларга **2008 йил 15 декабр**гача юборинг. Илтимос, қилинган ишлар, муддатлар, ҳомий ва бажарувчилар тўғрисида *иложи борича аниқ* маълумот беринг. Олдин хабар қилинган ёки энди бошланиши керак бўлган ҳаракатларни киритманг. Агар лойиҳалар давом этаётган бўлса, ушбу лойиҳалар доирасида аниқ ҳодисаларни ёки лойиҳа қандай босқичдалигини кўрсатинг.

### Миннатдорчиликлар

Сайғоқни сақлаш бўйича Альянс ҳомийларга фаолиятимизни қўлагани учун чин дилдан миннатдорчилигини билдиради: Мэги Брайт, Винс Мартин ва Ёввойи табиат фондига, Джудди ва Чак Ветлиларга, Кеннон ва Боб Хадсонларга, Линда Табор-Бекга, Джефф Флокенга, Энн Мэри Бургуин ва Бред Робертсларга, Мишель Хакеттга, Глория ва Кент Маршалларга, Стивен ва Карин Чейзларга, Гэвин Эвансга, Кэрролл Энн Ходджес ва Джесика Кулерларга, ҳамда сайғоқни сақлашга имконияти борича хисса қўшган барчага. Шунингдек, ушбу соннинг чиқишига ёрдам берган ташкилотлар - WCN, CMS, FZS ва WWFга ҳам миннатдорчилигимизни билдираемиз.